Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

4 апрель, жума, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 73 (1590)

## ЭЛЛАДА ЗАМИНИДАГИ УЧРАШУВЛАР

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 31 март -- 2 апрель кунлари давлат ташрифи билан Греция Республикасида бўлди.**





Биз Грецияни яхши биламиз. Дунё, хусусан, Ғарбий Европа тарихини Эллада маданияти ва санъати, қадимги дунё адабиётини эллинлар хаёлоти парвозидан айри тасаввур қилиш мумкин эмас. Ғайри дунё эса ҳамиша жозибадор бўлган, шу боис биз Эллада ҳақида кўп нарса билишга интилганмиз ва интиляпмиз. Зотан, Европа ва Осиё кишилари дунёқарашидаги икки қутбни айнан Эллада -- қадимги Греция маданиятида кўриш мумкин. Осиёда барча интилишлар ва ҳиссиётлар ботиний бўлса, грекларда зоҳирий, яъни улар ташқи гўзалликларга ошуфта эдилар. Қадимги грекларнинг худоси ҳам сизу бизга хос бўлган барча инсоний хислатларга эга одамлар сифатида тасвирлангани бежиз бўлмаса керак. Шарқ файласуфлари «Қадимги Греция овози билан гапириб юборган европа»ликларнинг ғоят амалиётчи бўлганини бевосита ушбу тарихий омил билан боғлайдилар.

Мана шундай кўҳна тарих ва бой маданиятга эга Греция билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар ибтидоси ҳам аслида жуда қадимга бориб тақалади. Жаҳон ҳамжамиятидан мустаҳкам ўрин эгаллаган Греция бугунги кунда Европа Иттифоқи, Қора денгиз иқтисодий ҳамкорлиги, НАТО каби ташкилотларнинг тўла ҳуқуқли аъзосидир. Қолаверса, Греция Болқондаги барқарор давлатлардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Европа давлатлари билан иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, Европа Иттифоқи, шу орқали жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув йўлидан борар экан, бунда албатта, мамлакатимизнинг Греция билан самарали ҳамкорлик қилиши муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз раҳбарининг ушбу давлатга ташрифи аввало, ана шу мақсадларга қаратилган эди.

Ўз навбатида Греция ҳам Марказий Осиёда қулай жуғрофий маконга эга, сиёсий ва иқтисодий барқарор давлат бўлмиш Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий, маданий ҳамкорликни ривожлантиришдан ҳар томонлама манфаатдор. Греция Президенти Константинос Стефанопулос шу маънода мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи ўз аҳамияти жиҳатидан беқиёс эканини айтди. Ҳар икки мамлакат раҳбарларининг Афинадаги Президент саройида бўлиб ўтган суҳбати чоғида Ўзбекистон -- Греция алоқаларини янги ривожланиш босқичига кўтариш масалалари муҳокама этилди.

-- Бугун қадим тарихий алоқаларга эга давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни самарали тус олдириш учун имконият туғилди, -- деди Президент Константинос Стефанопулос. -- Ўзбекистоннинг минтақадаги қулай вазияти, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда эришаётган ютуқлари ва ниҳоят барқарорлиги грек ишбилармонлари учун бу мамлакатда самарали ишлаш имкониятини яратади. Бизнинг Ўзбекистон билан ўрнатган алоқаларимиз Ғарб ва Шарқни бирлаштирувчи кўприк бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Президент Ислом Каримов Грециянинг Болқон минтақаси ва жаҳон ҳамжамиятидаги мавқеи тобора ошиб бораётганини қайд этар экан, мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама алоқаларни ривож топтиришдан ташқари, халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳам ҳар икки томон манфаатига тўла мос тушишини таъкидлади. Мамлакатларимизнинг иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларини равнақ топтириш борасида ҳали ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд, деди Ўзбекистон раҳбари.

Дарҳақиқат, Грецияда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, электротехника, озиқ-овқат ва енгил саноат, сайёҳлик инфраструктураси яхши ривожланган. Бундан ташқари, Греция Европадаги энг йирик бандаргоҳ ва дунёдаги энг улкан савдо флотларидан бирига эга. Мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида Грециянинг илғор технологияларидан фойдаланиш, жумладан, енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳаларида қўшма корхоналар барпо этиш ғоят аҳамиятлидир. Биргина сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик кўламига назар ташлаш орқали ҳали фойдаланилмаган имкониятлар даражасини кўриш мумкин. Маълумки, Грецияга ҳар йили қарийб мамлакат аҳолиси сонига тенг -- 10 миллионга яқин сайёҳ ташриф буюради ва табиийки, мамлакатда уларга хизмат кўрсатиш борасида улкан тажриба тўпланган. Ўтган йили Греция сайёҳликдан 4,1 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрган. Шубҳасиз, Самарқанд, Бухоро ва Хивадаги тарихий ёдгорликларга янада кўпроқ сайёҳларни жалб этиш орқали Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантириш имконияти катта. Шу маънода, Греция билан сайёҳлик инфраструктурасини яратиш, мазкур соҳа мутахассисларини тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилиш истиқболи порлоқдир.

Ўзбекистон раҳбарининг Греция Президенти, сўнг мамлакат Бош вазири Константин Симитис билан бўлган музокаралари чоғида ана шу ҳамкорлик масалалари кенг муҳокама этилди. Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Константин Симитис музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси билан Греция Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани имзолади. Ушбу ҳужжат мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар асоси ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини яратди. Ташриф давомида Греция жамоатчилиги ва матбуоти ҳам мазкур шартноманинг нечоғли муҳимлигига алоҳида эътибор қаратди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон билан Греция ўртасида мулк ва фойдадан иккитомонлама солиқ олмаслик тўғрисидаги конвенция, сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, иқтисодий ва технологик ҳамкорлик, маориф, фан ва маданият, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битимлар, шунингдек, ҳар икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳақидаги протокол имзоланди. Ҳужжатларни Ўзбекистон ва Греция ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари А. Комилов ва Т. Пангалос имзолади.

Маросимдан кейин бўлиб ўтган матбуот анжуманида Президент Ислом Каримов икки мамлакат халқлари алоқалари Марказий Осиёда барпо этилган Бақтрия давлати давридан бошланишини таъкидлади. «Грециядаги фуқаролар уруши пайтида ўн минглаб греклар Ўзбекистондан бошпана топди. Айни пайтда ҳам юртимизда 10 минг нафарга яқин грек яшайди. Буларнинг бари халқларимиз ўртасидаги ўзаро дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш йўлида муҳим омил сифатида хизмат қилади», деди жумладан Ислом Каримов. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари ўтказилган музокараларда иккитомонлама, минтақавий ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилгани ҳамда имзоланган мазкур ҳужжатлар давлатларимиз ўртасидаги ўзаро тенг ҳуқуқли ҳамкорликни янги поғонага кўтаришини таъкидлади.

Греция Бош вазири К. Симитис Ўзбекистон Президентининг ташрифи икки томонлама алоқалар ривожига янги куч бағишлаганини таъкидлади. Греция Шарқ ва Ғарбни бирлаштирувчи муҳим бўғин бўлиб қолишни истар экан, биз Ўзбекистон ва бутун Марказий Осиё минтақаси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш тарафдоримиз, деди у.

Ташриф давомида Ўзбекистон ва Греция вазирликлари, муассасалари ўртасида ҳам ўзаро ҳамкорликка оид турли келишувларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан Греция Ташқи савдо вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, мамлакатимизнинг мазкур вазирлиги билан Греция Денгиз савдо флоти ўртасида ўзаро англашувлар протоколи имзоланди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Грециянинг «Амфитрион», «Платинитревел» ҳамда «Лелакис груп» сайёҳлик фирмалари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга қўл қўйилди.

Афинадаги «Элаис» ҳиссадорлик жамияти нафақат Грецияда, балки Ғарбий Европадаги зайтун ва бошқа ўсимлик ёғлари, маргарин ишлаб чиқарадиган энг йирик корхоналардан биридир. 1920 йили қурилган ушбу завод иккинчи жаҳон урушида вайрон этилганидан кейин тез орада қайта тикланиб, мамлакат аҳолисига ўта зарур бўлган зайтун мойи ва маргаринлар етказиб бера бошлади. Урушдан кейин оч-ночор қолган аҳолига витаминларга бой зайтун мойи қанчалик зарур бўлган бўлса, греклар учун ушбу завод ҳам шунчалик қадрли бўлиб қолди. Кейинчалик завод Ғарбий Европанинг трансмиллий компанияси -- «Юнилевер Ҳ. Б.» ҳамкорлигида энг замонавий ускуналар билан жиҳозланди. Айни пайтда завод акцияларининг 50 фоизи «Юнилевер» қўлида. Маълумки, дунёга машҳур «Юнилевер» 200 турдан зиёд озиқ-овқат ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаради. Унинг 85 мамлакатда 500 дан зиёд корхонаси мавжуд. Ҳамюртларимизга ушбу компания «Липтон» чойи, «Рама» маргарини каби маҳсулотлари билан яхши таниш.

Ислом Каримов «Элаис»га ташрифи чоғида унинг замонавий технология билан жиҳозланганини, маҳсулотининг ўта рақобатбардошлилигига алоҳида қизиқиш билдирди. Бу бежиз эмас, Чунки Грециянинг рақобатчилари Италия ва Испания ҳам зайтун мойини айнан «Элаис»дан сотиб олади. Умуман, рақобат ҳақида гапирганда грек тадбиркорларининг жуда уддабуронлигини эслаш жоиз. Улар мамлакатдаги етиштириладиган маҳсулотларни ҳатто ярим тайёр ҳолда ҳам бозорга чиқармайди. Грек ҳамкасбларимизнинг айтишича, мамлакат Бош вазири деҳқонлар ва боғбонлар билан учрашганда маҳсулотни бозорга фақат тайёр, чиройли қадоқланган ҳолда чиқаришни талаб қилишдан чарчамайди. Айтишларича, ўз маҳсулоти яна қайсидир бир мамлакатда хомашё сифатида фойдаланилмаслиги учун «Элаис» зайтун мойини фақат кичик сиғимли идишларда сотади.

Мамлакатимиз Президенти завод раҳбарияти билан суҳбати чоғида Ўзбекистонда «Элаис»нинг савдо дўконини очиш, юртимизда ҳам худди шундай технологияга эга завод қуриш ҳамда витаминларга энг бой зайтун мойи билан пахта ёғи омухтаси асосида янги маҳсулот ишлаб чиқариш борасида фикр билдирди. «Элаис» раҳбарияти бу борада тегишли таклифлар тайёрлашини маълум қилди.

Ислом Каримов Греция парламенти раиси Апостолос Какламанис билан ҳам учрашиб, икки мамлакат парламентлари ўртасидаги ҳамкорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашди. А. Какламанис Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим яқин кунларда Греция парламенти томонидан ратификация қилинишини маълум қилди.

Ташриф давомидаги яна бир муҳим учрашув Греция савдо-саноат палатасида бўлиб ўтди. Мамлакатимиз раҳбари грек тадбиркорларига Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай шарт-шароитлар, халқаро андозалар даражасидаги кафолатлар ҳақида сўзлаб берди. Учрашувда Ўзбекистон грек тадбиркорлари учун Шарққа дарвоза вазифасини ўташи мумкинлиги таъкидланди. Мамлакатимизнинг қулай жуғрофий макони, иқтисодий салоҳияти ва бой имкониятлари грек тадбиркорларида катта қизиқиш уйғотди.

Мамлакатимиз раҳбари қадим Афинадаги диққатга сазовор тарихий жойлар, жумладан, эрамиздан аввал қурилган оламга машҳур Акропол мажмуи билан танишди. Ушбу тарихий ёдгорлик ҳақида батафсил гапиришга ҳожат бўлмаса керак, албатта. Зеро, Эллада тимсолига айланган Акропол тарихи ва тасвири замонавий битиклар ва тарих дарсликлари орқали бизга яхши таниш. Шунингдек, Ислом Каримов Афина марказидаги номаълум аскар қабрига гул қўйди.

Мамлакатимиз раҳбарининг Болқондаги ушбу нуфузли мамлакатга илк ташрифи Ўзбекистон билан Греция ўртасидаги иқтисодий, маданий ва бошқа кўплаб соҳалардаги ҳамкорликка ҳуқуқий асос солгани билан аҳамиятлидир. Ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар икки мамлакат халқлари манфаати учун хизмат қилиши шубҳасиз.

**Муҳаммад ШАРИФ.**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент -- Афина -- Тошкент.**

***СУРАТЛАРДА: Расмий кутиб олиш пайти; ҳужжатлар имзоланди.***

**Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган суратлар.**

## «ПАХТАКОР» -- 40 ЁШДА

**«Пахтакор» командаси ташкил этилгани ва шу номдаги Тошкент ўйингоҳи қурилганига қирқ йил тўлди**

3 апрель куни «Пахтакор» стадионида қутлуғ санага бағишланган катта спорт байрами ўтказилди.

...Анъанавий карнай-сурнай садолари остида стадионга мураббийлар кириб келади. «Пахтакор» жамоасининг кўплаб собиқ ўйинчилари ҳам шу ерда. Уларнинг кўпчилиги республикада хизмат кўрсатган мураббий, спорт устаси фахрий унвонлари соҳибидир. Стадион бўйлаб «Пахтакор» жамоаси босиб ўтган шонли йўл солномаси жонланади. Жамоанинг бир неча авлоди вакилларини тўпланганлар олқишлар билан кутиб олади. Улар орасида 1956 йил илк бор мамлакат чемпионатида тўп сурган футболчиларимиз -- республикада хизмат кўрсатган мураббийлар Акмал Азизхўжаев, Анатолий Казенков, спорт усталари Виталий Суюнов, Манноп Ёқубов ва «Пахтакор»нинг кейинги авлод вакилларидан Бииродар Абдураимов, Вилгелм Қаҳҳоров, Аҳрол Иноятов, Баҳодир Иброҳимов, Тўлаган Исоқовлар бор. Уларга гуллар, эсдалик совғалари топширилди. Ўсмирлар ўртасида жаҳон ва Европа чемпиони, ўн иккинчи Осиё ўйинлари олтин медали соҳиби, хизмат кўрсатган спорт устаси Миржалол Қосимов, иккинчи Осиё ўйинларининг чемпиони, хизмат кўрсатган спорт устаси Азамат Абдураимовлар ҳам гулдурос қарсаклар билан кутиб олинади.

Ўтган қирқ йил анчагина воқеаларни ўз ичига олади. Ана шу давр мобайнида севимли жамоамизнинг бир қанча мураббий ва ўйинчилари орамиздан кетди. Уларга ушбу қувончли кунларни кўриш насиб этмади. 1979 йил 11 август куни «Пахтакор» жамоаси аъзолари авиация фалокатига учради. Бахтсиз тасодиф ўн етти баҳодирни орамиздан юлиб кетди. Юбилей иштирокчилари уларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Юбилей шарафига «Пахтакор» ва Алматининг «Қайрат» футбол жамоалари фахрийлари ўртасида учрашув ўтказилди. Қизиқарли ўтган бу ўйин 2:1 ҳисобида ўзбекистонлик футболчилар фойдасига ҳал бўлди. Тантаналар санъат усталарининг концерти билан якунланди.

Тадбирда республика Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев, Ўзбекистон футбол федерациясининг президенти, ички ишлар вазири З. Алматов ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

**(ЎзА).**

## САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

**«Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади**

### ЧИГИТ УНИБ ЧИҚДИ

Тошлоқ туманидаги «Навбаҳор» ҳиссадорлик жамиятининг Алижон Ражабов етакчилик қилаётган бригада далаларида плёнка остига экилган чигит униб чиқди. Мутахассисларнинг фикрича, чигит эрта унишининг асосий сабаби ерларни мавсумга тайёрлаш ва экиш жараёнида ўғитлашга, янги технологиядан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор берилганидадир.



### ЙЎЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК



Шаҳрихонда янги автостанция ишга тушди. У ҳар соатда 300 йўловчига хизмат кўрсатади. Бугуннинг ўзидаёқ Андижон вилояти шаҳар ва қишлоқлари ҳамда ундан ташқаридаги 30 га яқин йўналиш бўйича автобуслар йўлга чиқади.

«Андижонвилоятсаноатқурилиш» трести бинокорлик бригадалари барпо этган икки қаватли бинода оналар ва болалар хоналари, аёллар ва эркаклар учун гўзаллик салонлари, кутиш заллари, кафетерий, ошхона жойлашган.

### ГЕКТАРИДАН — 400 ЦЕНТНЕР

Тойлоқ тумани хўжаликларида карам, пиёз, картошка ва бошқа сабзавот экинлари экиш қизғин паллага кирди. Кўпгина майдонларда уруғлик бир текис ундирилиб, парвариш бошлаб юборилди. Туманда эртапишар ва серҳосил навларни экишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Масалан, Волгограддан келтирилган помидор ҳосилдорлигини гектар бошига 350--500, карам ҳосилдорлигини 400 центнерга етказиш мўлжалланмоқда.



### БАҲРАМАНДЛИК



Ғузор туманидаги Эшонқудуқ яйловига газ қувури тортилди. Яйловда истиқомат қиладиган 100 дан зиёд чорвадор хонадони табиий газдан баҳраманд бўла бошлади. Бунга Ғузор наслчилик жамоа-ширкат хўжалиги ўтган йилни катта фойда билан якунлагани туфайли эришилди.

### ИШЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатимиздаги зарбдор қурилишлардан бири -- Қўнғирот сода заводида саломатлик маркази бунёд этишга киришилди. Унинг таркибида поликлиника, врачлик пункти, дорихона бўлади. Саломатлик маркази шу йил охирида фойдаланишга топширилади.



# ҲАР БИР НАРСАНИ ЎЗ НОМИ БИЛАН АТАШ КЕРАК!

**ёки телевидение мухбири қўйган «муаммо» ортидаги аянчли ҳақиқат**

## 1. «Тўғриси, мен билмайман...»

24 март, душанба куни республика телевидениеси «Ахборот» дастурида кишини ўйлантириб қўядиган бир лавҳа намойиш этди. Ва уни шундай изоҳлади: «Яхши ният билан Қувасойда меъморий ойна ишлаб чиқариш заводи қурилиб, ўтган йили ишга туширилганди. Мухбиримизнинг хабар қилишича, шу кунларда корхонада мураккаб вазият вужудга келган.

***Мухбир: -- Бу ноёб завод қурилишига жами 1,4 миллиард сўм сарфланган бўлса, унинг 641 миллион сўмини «Кварц» ҳиссадорлик жамиятининг айланма маблағи ҳисобидан олинган эди. Дастлабки ойларда ички имкониятлар эвазига келтирилган хом ашёдан сифатли ойналар тайёрланди. Натижада мамлакатимизга четдан бундай қимматбаҳо қурилиш материаллари келтирилиши қисқарди. Завод маҳсулотига талаб ортиб кетди. Аммо ишлаб чиқариш ҳажми тобора камайиб, ниҳоят, умуман тўхтаб қолди. Сабаби -- хом ашё йўқ. Шунга қарамай, бош қозонхонанинг иситиш тармоқлари ўчирилмади, ўчирилмайди ҳам...»***

Мухбирнинг куюнчаклиги сизга ҳам юқади: бош қозонхонани ўчириб бўлмайди, чунки ойнага жило берувчи олева минг даража иссиқликда эрийди, холос, ҳароратни шундай тутиб турмаса бўлмайди, акс ҳолда у қотиб қолади, яна алмаштириш учун эса олти ой муҳлат ва миллион-миллион маблағ керак.

Хом ашё харид қилиш ҳақида шартномалар бор, фақат ўша маблағ қайтарилса, бас. «Энг ачинарлиси шуки, -- дея ўртанади мухбир, -- маҳсулот бермаётган, лекин технологияга амал қилиб ёқилаётган газ учун ҳар куни яна олти юз минг сўмдан тўлаб туриш лозим. Бу зарар келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархига қўшилади, албатта».Биздаги лоқайдлик, мана, қандай оқибатларга олиб келаётир! Унинг зарарини ким кўради? Яна шу халқ. Корхона раҳбарлари нега жим ўтирибди? Худди шу пайт мухбир изоҳ беради: «Улар масъул идоралар эшикларини бир-бир қоқиб чиқдилар». «Наҳот масалага шунчалар совуққонлик билан қараш мумкин бўлса?» деб ўйлайсиз. Айни маҳалда шафқатсиз ҳақиқат айтилади: «Корхонанинг маблағи тез фурсатда қайтарилмаса, умуман ойначилик саноати барбод бўлишдек хавф остида».

Ўзини тўрт томонга уриб, бозорда ойна излаб юрган кишилар хаёлингиздан ўтади. Хафа бўлиб кетасиз.

Ойначилик саноатини барбод этувчи хавф таҳдиди бизни ҳам лоқайд қолдиргани йўқ. Дафъатан қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни раисига сим қоқдик, гарчи мухбир изоҳ бермаган бўлса-да, ойна ишлаб чиқарувчи завод «Кварц» ҳиссадорлик жамиятига, жамият эса мана шу концернга қарайди, биз концерн раисини топа олмадик, шунинг учун ҳам унинг биринчи ўринбосари Эркин Бўтаев билан суҳбатлашдик.

-- Аҳвол шундай, -- деди Эркин Манновович. -- Ҳиссадорлик жамияти раиси Убайдулла Отабоев ҳам ҳозир шу ерда, маблағ қайтарилишини сўраб хат ёзган, шуни олиб, юқорига чиқиб кетди. Масала ижобий ҳал бўлса керак!

Фарғона вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Алишер Отабоев ҳам шу маблағ қайтарилса, завод ўзини ўнглаб олади. Ахир, у Марказий Осиёда ягона, деди. Бошқалар ҳам -- сафардаги йўлдошлар, Қувасойда ҳамсуҳбат бўлган оддий одамлар ҳам шунга яқин мулоҳаза билдиришди, ҳаммада бир фикр: қараб турмаслик керак-ку, ахир! Шундай бўлиши табиий, чунки «Ахборот» тақдим этган тасвирни бутун мамлакат кўрган, мухбирнинг куюниб айтган гаплари ҳар бир юракка етиб борган!

Лекин... мен заводга кириб боргач, тасвирдаги манзаранинг тамомила аксини кўрдим, у ҳувиллаб ётар эди! «Шундай қилиб, ишчи ва мутахассислар иш жойларида, ишлаб чиқариш конвейери эса кеча-кундуз ҳаракатда. Аммо ойна йўқ», дея гапини якунлаган эди-ку, мухбир. Нимадандир норозидек бўлиб юрган ишчиларни тасвирда кўрган эдик. Қани улар?!

Менинг ҳайрон қолганимни кўриб, ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари Маҳмуджон Эргашев изоҳ берди: -- Одам йўқлигига ажабланаяпсизми? Бизда иш жараёни компьютер орқали бошқарилади.

Лекин бошқарув пульти ўрнатилган хоналар ҳам кимсасиз эди.

Бош қозонхонанинг бошқарув пультидагина навбатчи йигит ўтирган экан, завод қачон тўхтатилган, деб сўрасак, у бир нима демади, шунда яна раис ўринбосари изоҳ берди:

-- Яқинда.

-- Аниқроғи?

-- Март ойида.

-- У бултур 27 августда ишга туширилган, шундайми?

-- Ҳа.

-- Демак, олти ой узлуксиз ишлаган. Бу даврда у 5 миллион квадрат метр турли хилдаги ойналар ишлаб чиқариши керак эди. Нега маҳсулот сотилиши эвазига келадиган даромадга хом ашё харид қилинмади? Нега шу йўл билан узлуксиз иш тарзи таъмин этилмади? Ойна харидоргир, қолаверса, завод мамлакатдагина эмас, Марказий Осиёда ҳам ягона. Яъни, қўшни республикаларда ҳам ойнага эҳтиёж мавжуд. Шундай экан, ишлаб чиқарилган маҳсулот ўтмай қолиши мумкин эмас. Хўш, ундан келган даромад қани? Қаёққа кетди у? Нега?

-- Тўғриси, мен билмайман, -- деди раис ўринбосари. -- Соҳам бошқа -- умумий ишлар билан шуғулланаман.

Бу ерда бўлган ҳар қандай киши худди шундай савол билан маъмуриятга мурожаат қилиши муқаррар. Чунки завод энг замонавий технология билан жиҳозланган. Ускуналар ҳозиргина харид қилинган ўйинчоқ машинадай кўримли, тоза. Бирон-бир юмуш қўлда бажарилмайди, иш жараёни шинам хоналарда компьютерлар орқали бошқарилади. Маҳсулот сифатли, эҳтиёжталаб, фақат биздагина эмас, яқин хорижда ҳам.

Беш юз киши меҳнат қиладиган шундай қудратли завод иқтисодиётимизнинг бир томонини кўтариш ўрнига нега ҳар куни 600 минг сўм зарар келтирмоқда?

А. Ли «мен муҳандисман» деди, бош ҳисобчи Л. Нестеренко бу ишга яқинда тайинланганини пеш қилди, хуллас, «Кварц»да бизнинг бу саволимизга аниқ жавоб берадиган бирон-бир инсон топилмади.

Нега шундай бўлган?

Ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси А. Лининг уқтиришича, умуман ишлар ёмон эмас, ваҳима қилмаса ҳам бўлади, **атиги 46,6 миллион сўмлик дебиторлик, 468,9 миллион сўмлик кредиторлик қарзлари бор, холос.** Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳам қатъий тартибда, яъни олдиндан ҳақи тўлангачгина харидорга берилади. Заводдаги хом ашёни тежаш учун қайта ишлаш корхоналаридан олинадиган шиша синиқларидан фойдаланиш миқдори ҳам ўн фоизга ошган ва ҳоказо ва ҳоказо.

Аслида-чи?

Агар вазият телевидениенинг мухбири изоҳлаган ва жамият бош муҳандиси тасдиқлаган даражада бўлса, ҳақиқатан ҳам айланма маблағ ундирилгач, ишни изга солиш эҳтимол мумкин бўлар эди. Лекин ҳақиқий аҳвол бошқача-ку? Бу вазиятни туғдирган сабабларнинг илдизи ҳам чуқурроқ.

Улар зўр бериб сизни бир нарсага ишонтиришмоқчи бўлишади: ишчилар ва мутахассислар ўз жойида. Завод кечагина тўхтатилган. Ҳамма гап ўша маблағда қолган...

Ҳолбуки, ишчи ва мутахассислар завод тўхтагач, таътилга чиқариб юборилган. Завод эса шу йилнинг 25 январидан буён ишламай турибди. Айланма маблағ масаласига келсак...

## 2. Ҳужжатлар шу қадар зирҳланганки...

-- Ишчиларга ниманинг ҳисобидан маош тўғрилаб бераяпсизлар?

Бизнинг саволимизни бош ҳисобчи «ўзича» тушунди:

-- Ҳозир ноябрь ойи учун иш ҳақи тарқатяпмиз, -- деди у. -- Пул етмаган ҳолларда ўсимлик ёғи, гуруч улашаяпмиз.

-- Бу маҳсулотларни олиш учун қаёқдан маблағ топаяпсизлар?

-- Биздан қарздор ташкилотлар кўп. Биридан у, биридан бу олаяпмиз-да.

-- Демак, дебитор қарз ҳисобидан маҳсулот олинмоқда, шундайми?

-- Ҳа.

-- Бу ўша ташкилот билан вақтида тузилган шартнома бузилишига олиб келмайдими?

Бош ҳисобчи маъюс жилмайди.

-- Бу қонунга хилоф-ку?

Изоҳ бермайди у.

-- Ҳужжатлар билан танишсак бўладими?

-- Улар менда эмас, -- дейди бош ҳисобчи.

-- Нега?

-- Ҳуқуқшунос олган эди.

Ҳуқуқшунос эса қаёққадир кетган бўлиб чиқади. Ҳужжатлар шу қадар зирҳланганки, шу ўринда сиз корхона қудратини чуқур ҳис этасиз. Уларга тегишли ҳужжатларни биз хизмат кўрсатувчи банк, солиқ бошқармаси ва бошқа дахлдор муассасалардан олишга мажбур бўлдик.

## 3. Рақамларда шафқат бўлмайди

Дунёдаги ҳар қандай ҳодисага истаганча тус бериш мумкин, аммо ҳужжатлар, унда совуққонлик билан қайд этилган рақамлар жуда шафқатсиз бўлади. Биз танишган ҳужжатлар «Кварц»нинг шу ҳолга тушишига аслида хўжасизлик сабаб бўлди, деб турар эди.

Рост, ҳиссадорлик жамиятининг гуллаб-яшнаган даврлари бўлган: 1992 йилда 331 миллион дона шиша идиш ишлаб чиқарилган. Кейинги йилда ҳам 329,7 миллион дона маҳсулот тайёрланган. Лекин 1994 йилга келиб, иш суръати кескин туша бошлаган. 1991 йилга нисбатан олиб қараганда, ўтган йили бутилка 67, шиша банка ишлаб чиқариш суръати эса 26,5 фоизни ташкил этган, холос. Бултур 26 ноябрда вилоят ҳокими номига ёзилган хатда 22 миллион дона шиша идиш ўтмай ётганидан нолинади. Ҳолбуки, бунга қадар ҳам бир литрли ҳажмдаги шиша банкалар ишлаб чиқариш тизими тўхтатиб қўйилган эди.

Ўтган йилнинг биринчи чорагида 1995 йилнинг шу даврига нисбатан 65 миллион сўмлик кам шиша ишлаб чиқарилган. Нега деб сўрасангиз, улар маҳсулотнинг ўтмаётганлигини рўкач қилишади. Бу шуни англатадики, жамият ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ўтказиш ҳақида деярли ўйлаб кўрилмаган. Ҳолбуки, бу идишлар, аввал айтганимиздек, бизда ҳам, хорижда ҳам эҳтиёжталабдир. Оддийгина бир мисол: ҳар бир оила кузда помидор, бодринг неъматларидан консерва тайёрлайди. Бу мавсумда аҳоли шиша банка излаб бозор кезади. Ҳиссадорлик жамияти нега шаҳар ва қишлоқларда кичик-кичик дўконлар очмайди? Ахир, шу йўл билан ҳам халқнинг ҳожатини чиқариш, ҳам маҳсулот сотилишини таъминлаш мумкин-ку. Нега жамият республика вилоятлари ва қўшни мамлакатларга ўзининг доимий вакилларини қўймайди? Улар шу жамият номидан иш юритса, маҳсулотни тарғиб қилишса, харидорлар топиб, фойдали шартномалар тузишса бўлмайдими?

## 4. «Ҳотамтой»лар

Биз ҳиссадорлик жамиятида хўжасизлик ҳукм сураяпти, дедик. Шу йилнинг биринчи январигача бўлган ҳолатда унинг дебиторлик қарзлари 261,2 миллион сўмни ташкил этган. Шунинг 193 миллиони муддати ўтган қарзлардир. Масаланинг кишини ажаблантирадиган томони шундаки, раҳбариятнинг ҳаддан ташқари «қўли очиқ». Улар тўлов қурбига эга тижорат фирмалари, савдо уйлари, хусусий дўконлар ва ҳатто арoқ ишлаб чиқарадиган заводларга ҳам насияга маҳсулот бериб юбораверган.

Ҳа, ҳа, сиз ишонинг, Бухородаги «Шоҳруд» ҳиссадорлик жамияти ҳам, «Фарғонапиво» ҳам улардан насияга шиша олишган. Наманғандаги «Дилафрўз», Фарғонадаги «Қуддус», «Ҳилол», Самарқанддаги «Гулноза», Хоразмдаги «Илҳом», Қашқадарёдаги «Камалак» фирмалари, Фарғонадаги «Орзу», Қашқадарёдаги «Чироқчи», «Саноат», «Мустақиллик» хусусий корхоналари, Бухородаги «Шарқ» савдо уйи, Хоразмдаги «Нодира» хусусий дўкони, Тошкентдаги қурилиш материаллари савдо уйи ва яна қатор хусусий, пулдор корхоналар ҳиссадорлик жамияти «ҳотамтойлиги»дан баҳраманд бўлишган.

Кишини ҳайрон қолдирадиган яна бир ҳол шундаки, жамиятнинг қошида тузилган ташкилотлар бор. Масалан, «Кварц» савдо уйи. Шу уй биринчи мартгача бўлган ҳолатда жамиятдан 10 миллион 832 минг 860 сўмлик маҳсулотни насияга олган. Жамиятнинг қолган ташкилотлари ҳам насияга ундирган маҳсулотлар қиймати қўшиб ҳисобланса, бу рақам 23 миллион 618 минг 409 сўмни ташкил этади.

Ҳиссадорлик жамиятининг давлат бюджетига ҳисобланган солиқлардан 1997 йил январь ойи учун 4 миллион сўмдан ортиқ қарзи бўлган, шунга қарамай январь ойида 35 миллион 260 минг сўмлик вексель кирим қилинган ва 37 миллион 455 минг сўмлик вексель банкда қайд этилмай чиқим қилинган. Гап бу ерда фақат тўлов интизомининг бузилишида эмас. Косанинг тагида нимкоса бор. Вексель «операцияси» бу жамиятда шу қадар такомиллашганки, масаланинг моҳиятига унча-бунча одамнинг ақли етмайди. Шу йилнинг 3 январида учта вексель (жами қиймати 300 минг сўм) Қўқон қурилиш моллари савдо ишлаб чиқариш ва таъминоти жамоа фирмаси томонидан қабул қилинган. Шу куннинг ўзида шу серия, шу рақамли вексellар Қувасой шаҳридаги «Ниҳол» хусусий фирмасидан қайтадан кирим қилинган. 6 январь куни ҳам 500 минг сўмлик вексель икки марта айлантирилган. 8 январь куни эса 500 минг сўмлик вексель кирими аввал Қўрғонтепанинг «Қадр» савдо ишлаб чиқариш фирмасидан, сўнг ҳиссадорлик жамияти қошидаги «Кварц» савдо уйидан, ундан кейин эса Қувасой шаҳридаги «Саидхон» фирмаси томонидан уч марта расмийлаштирилган. Шу куни шўринг қурғур ПС 003 3102499 рақамли биргина векселнинг ўзи учта корхонада қайта-қайта расмийлаштирилган.

Ҳолбуки, бу пайтда Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджетга тўловлар механизмини такомиллаштириш ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1996 йил 5 декабрь қарори амалда эди. Бироқ жамият векселларни расмийлаштиришда хизмат кўрсатувчи банкни ҳам, демак, қонунни ҳам четлаб ўтиб иш юритган.

Ҳақли савол туғилади: шундай қилишга нима уларни мажбур этган?

Бухгалтерия ҳисоб-китоблари тузилишининг белгиланган тартиби бузиб олиб борилиши «Кварц»да янгилик эмас. Шунинг учун ҳам бош ҳисобчи Л. Нестеренко, раис ўринбосари О. Оллоёров ва ниҳоят, раис У. Отабоевга турли миқдорда маъмурий жарима солиниб, бюджетга ундириб олинган. Собиқ бош ҳисобчи М. Абдулазизова эса бундай «бахт»га икки марта мушарраф бўлган.

Бултур Қувасой шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан ўтказилган текширув натижаларига кўра давлат бюджетига жами 2 миллион 964 минг 962 сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарима ҳисобланган.

Бу ҳам пул-ку, ахир! Меҳнаткашнинг манглай тери эвазига келган бу маблағ, ўн иккита енгил машина бўлатуриб, яна «Сиело» олишга сарфланган бултурги харажат, дебитор қарзлар, 26 декабрда ишлаб чиқилган бўлса-да, ҳамон ҳовлида сақлаб турилган ойнаю шиша идишлар, яъни 131,2 миллион сўмлик қолдиқ мол ҳиссадорлик жамиятининг айланма маблағига кирмайдими?! Ҳолбуки, бу корхонада умуман дебитор қарз бўлмаслиги керак, чунки у асосан пулдор ташкилотлар билан муомала қилади. Ваҳоланки, бу борада шундай ҳоллар ҳам учрайдики, жамият шартнома тузиш ўрнига аризасига биноан ҳам жисмоний шахсларга маҳсулот бериб юбораверган.

Албатта, бундан жамият раҳбари жуда кўнгилчан одам экан-да, дея хулоса чиқармаслик керак. Ким билан суҳбатлашманг, раисни бошқаларга нисбатан қаттиққўл ва ниҳоятда талабчан эканлигини қайд этишади. Рухсатнома бўлмаса, бегоналар ичкарига кира олмайди дейишади. Унда нега ичкаридаги маҳсулотнинг чиқиб кетиши бунчалар осон?..

Республика ҳукумати меъморий ойна ишлаб чиқариш заводини эзгу ниятлар билан барпо этди, қурилиш учун 792 миллион 70 минг сўм кредит ажратилди. Бундан мақсад -- ҳам аҳолини ишли-жойли қилиш, ҳам мамлакатни турли хилдаги аъло нав, арзон баҳо ойна билан таъминлаш эди. Вақти-соати билан автомобиллар учун ҳам ойналар ишлаб чиқариш, аста-секин Қувасой ойнасини жаҳон бозорига олиб чиқиш кўзда тутилган. Шу тахлит 1999 йили завод қурилишига харжланган кредит ва унинг фоизлари тўлатўкис узилиши лозим эди.

Лекин олти ойга етмай у тўхтаб қолди. Ҳатто, ўзи ишлаб чиқарган асл маҳсулот эвазига узлуксиз иш жараёнини таъминлай олмади.

Сабаб?

## 5. Арава ботиб қолибди-ку, муҳтарам раис?!

Ўтган йилнинг 1 ноябрига қадар завод 898 минг квадрат метр ойна ишлаб чиқарди, бунинг қиймати 127,3 миллион сўм бўлади. Шу ойнанинг 252,2 минг квадрат метри, яъни 32,8 миллион сўмлиги истеъмолчига жўнатилган. Шунинг ҳисобидан келган тушум -- 4,8 миллион сўм, унинг 980 минг сўми жамият ҳисоб рақамига кирим қилинган, 1 миллион 13 минг сўми векселдан иборат, 2,8 миллион сўми эса кредиторлик қарзини узишга кетган.

94,4 миллион сўмлик маҳсулот, яъни 645,8 минг квадрат метр тайёр маҳсулот омборларда қолдиқ сифатида сақланган.

Демоқчимизки, ишлаб чиқариш бор, лекин ойнани сотишдан келадиган даромад йўқ ҳисоби, яъни у сочилиб кетган.

Ойна бор, лекин у қолдиққа айланган. Нима эмиш, катта ҳажмда маҳсулот жўнатишнинг иложи йўқ эмиш! Харидорнинг ўзи келиб уни олиб кетар эмиш!..

25 январгача ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг қисмати ҳам шу. Ва ундан келган даромад баҳайбат корхонанинг йиртиқ-ямоқларини қоплашга едирилиб кетган. Шунинг оқибатида хом ашё сотиб олишнинг имкони бўлмаган ва янги завод тўхтаб қолган.

Аслида бу мақолани «Арава ботиб қолибди-ку, муҳтарам раис?!» деб номлаган эдик. Ва бу бежиз эмас. Шу йилнинг 1 март ҳолатига кўра ҳиссадорлик жамиятининг 812 миллион 844 минг сўм кредиторлик қарзлари бор. Агар унга завод қурилишига харжланган кредит ва унинг фоизи қўшиб ҳисобланса, 2 миллиард сўмдан ошади. Мухбир айтаётган 641 миллион сўм «Кварц»нинг тўловларини тўлашга ҳам етмайди-ку?!

Умуман, бу рақам менга бир оз шубҳали туюлди. «Фарғона ҳақиқати» газетасининг мухбири билан суҳбатда (1996 йил 30 июль) Убайдулла Отабоев: «Шу кунгача бир миллиард 100 минг сўмдан ортиқ капитал маблағни ўзлаштирдик, -- дейди. -- Қарийб 400 миллион сўмни ўз ички имкониятларимиз ҳисобига топдик. Янги цех маҳсулот ишлаб чиқаришга тайёр». 2 август куни «Ферганская правда»да айнан шу рақам яна қайд этилади.

Нега бу миқдор бирдан ўсиб кетди? Ва «ички имкониятлар» нега «айланма маблағ» тусини олди?

Ва умуман, ўзининг айланма маблағини нега «Кварц» қурилишга ишлатиб юборди? Ахир, у ҳиссадорлик жамияти-ку! Бундай жамиятда ҳиссадорлар кенгаши қарорисиз сариқ чақа ҳам мақсадсиз сарфланмаслиги керак!

Ҳолбуки, Қувасой шаҳар ҳокимининг изоҳича, бундай қарор қабул қилинмаган. Қолаверса, завод ишга туширилиши ҳақидаги актга давлат комиссияси ҳали имзо чеккани йўқ. Шундай вазиятда ўша маблағнинг қайтарилиши ҳақида гап бўлиши мумкинми сира?!

Мухбир-ку, ботиб қолган аравани лойдан чиқишига кўмаклашмоқчи бўлибди, лекин «Ахборот»даги масъул шахслар нега бу масалага юзаки қарашди? Улар давлат аҳамиятига молик корхона ҳақида халққа бир ёқлама информация беришдан манфаатдор бўлишмаса керак? Шундай экан, мутасадди идоранинг бирон-бир мутахассисига мурожаат этишса, масаланинг моҳиятига ойдинлик киритувчи шарҳни ҳам лавҳага илова қилишса бўлар эди-ку?!

Республика ҳукумати «Кварц» ҳиссадорлик жамиятига ҳамиша ғамхўрлик қилиб келган. Ноёб шиша заводининг барпо этилиши ҳам шундан далолатдир. Бундан ташқари ўтган йили жамиятнинг солиқдан йиғилиб қолган қарзлари ва жаримаси, жаъми 66 миллион 240 минг сўмдан кечилди. Россиядан хом ашё харид қилсин учун 1000 тонна пахта толаси берилди. Лекин улар кутилган натижани бермаяпти-ку!

Бу ерда ишни изга солиш, самарадорликка эришиш учун аввало жамиятнинг ўзини тартибга келтириш керак, шекилли? Айтишларича, кейинги йилларда шу соҳанинг фидойиси бўлган анча-мунча мутахассис жамиятдан четлатилган. Ҳозирги раҳбарият билан ишчилар орасида узилиш бор.

Ҳиссадорлик жамиятига биз кириб борган маҳалда ҳам, завод ва цехларни айланиб чиқиб қайтаётганда ҳам беш-ўн одам касса олдида интизор бўлиб турган эди. Касса эса берк. Навбатда турган аёллар бизга арз қилишди: -- Ойлик олиш умидида деярли ҳар куни келамиз, сарғайиб навбатда турамиз. Чунки «фалон куни, фалон вақтда келинглар» деб аниқ айтишмайди. Ҳатто, мана шу кассир ҳам бизни одам ўрнида кўрмайди!

Кассир Гулбаҳор Амираевани қайдандир топиб келишди. «Кассада ҳозир 315 минг сўм маблағ бор, -- деди у. -- Аммо буни бош ҳисобчининг кўрсатмасисиз тарқата олмайман».

Бош ҳисобчи эса ўзлари жорий этган бу тартибнинг инсонпарварлик жиҳатлари ҳақида гапирди. Хуллас, ўша куни маошдан, ўтган йилнинг охирги чораги учун болаларга бериладиган нафақа пулидан умидвор бўлиб келганлар ноумид бўлиб қайтишди.

Энди икки оғиз завод ҳақида. У ишлайди ва бу ҳақда гап бўлиши мумкин эмас.

## 6. Қувасой ойнаси жаҳон бозорини забт этади

-- Ҳали у тўхтамасидан аввал биз шу масала билан шуғуллана бошлаганмиз, -- дейди Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш давлат концерни раиси Акромжон Ибобеков. -- Бир томондан у ҳиссадорлик жамияти бўлса, ҳадеб ички ишларига аралашиш жоиз эмас. Иккинчи томондан шундай завод... Эрта-индин 32 вагон сода Қримдан етиб келади. Бунга қаноат қилмай яна 700 тонна содани Ғазалкент ойна заводидан олиб «Кварц»га бердик. Хом ашё йилнинг охиригача етиб ортади. Лекин бошқа бир муаммо мени ўйлантириб турибди: қурилиш учун олинган кредит ва унинг фоизларини икки йилга чўзмаса, қийин-ов. Завод тўла қувват билан ишга киришгач, буни узиб юбориш ҳеч гап эмас. Насиб этса, ҳали Қувасой ойналари жаҳон бозорини забт этади.

Концерн раисининг фикри, умуман, яхши. Ҳозир фақат у киши эмас, бошқалар ҳам жамият олган фоизли кредит тўлов муддатини узайтириш ҳақида таклиф киритаётир. Лекин нега улар бунинг оқибатлари -- сўмнинг қадрсизланиши унинг товар билан таъминланишига монелик қилиши, яъни давлатга етказадиган зиёни ҳақида лом-мим дейишмайди? Ва бунга олиб келган сабаблардан кўра-билатуриб кўз юмишади. Нега? «Ойначилик саноати барбод бўлишдек хавф остида» қолган бўлса, бунинг учун ким айбдор?

Телевидениенинг мухбири, мана, нимага эътиборни қаратиши лозим эди.

«Содда қилиб айтганда, ҳар қайси фуқаро, ҳар биримиз: «Шу давлат, шу жамият менга нима берди?» деб эмас, балки: «Мен ўзим Ватанимга, элу юртимга нима бердим?» деб ўйлашимиз ва шу ақида билан яшашимиз керак» (Ислом Каримов). Шу ақида билан яшашимизга эса маърифатдан шахсий манфаатнинг устун келиши тўсқинлик қилаётир. Бундай вазиятда халқимиз ҳамиша эъзозлаб келган шоиру адиблар, олиму журналистлар айтадиган Сўз азиз ва таъсирчан бўлади. Ижодкорлар -- халқнинг виждони, дейишади. Бу шунчаки айтилган гап эмас. Бу ишонч, табиийки, айтар Сўзга бўлган масъулиятни янада оширади.

Сўз инқилоб ясай олмайди, аммо у кишиларни инқилобга ҳозирлашга қодир, деган эди Чингиз Айтматов. Муайян мақсадда айтилган Сўз тасвир билан уйғунлашганда нечоғлик таъсир кучига эга бўлишини мен «Кварц» ҳиссадорлик жамиятида, ўша завод, ўша қозонхона олдига борганда ҳис этдим. Ва у бундай қилмаслиги керак эди, деган фикрга бордим.

Ҳувиллаб ётган заводдан чиқиб, ҳовлидаги қолдиқ маҳсулотлар уюмини кўздан кечирганда, касса олдида турган аёлларни учратганда, уларнинг арзини тинглаганда яна бир бор шу фикрга бордим, чунки телевидение ходимлари бу жамиятда бир эмас, бир неча марта бўлишган, уларнинг маҳсулотини тарғиб этиш ниятида шартномалар тузишган, жамият шу мақсадда олти ойда 4500 АҚШ доллари ва 270000 сўм сарфлаган, аммо ташвиқот ишлари кўнгилдагидек бўлмаган, шекилли? Йўқса, шунча маҳсулот чанг босиб ётмаган ва мана бу ишчилар ҳам вақтида маошини олган бўлар эди. Бу, албатта, кишини оғир ўйга толдиради.

Қачонгача биз ёниб турган мавзуларни четлаб ўтамиз. Дебитор ва кредитор қарзлар -- энг оғриқли муаммо. Аксарият ҳолларда буни туғдираётган -- раҳбарнинг «ҳотамтой»лиги. Нега бу мавзу таҳлилига бағишланган, «ҳотамтойлик»нинг асос-оқибатлари очиб ташланган, ишнинг ривожига нафи тегадиган мақолалар, кўрсатувлар кам?

Пул эмиссияси, хусусийлаштириш борасида муаммолар озми? Ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган масалалар тадқиқ этилган мақола ва кўрсатувлар етарлими? Нега биз аксарият ҳолларда мавзунинг атрофида ўралашиб қолаяпмиз? Ҳатто қойилмақом ишлар қилаётган кишиларни бошқаларга ибрат қилиб кўрсатишнинг ҳам уддасидан чиқа олмаяпмиз.

Чунки давр янги, биз ҳамон бу дунё ичига киришга журъат сезмай турибмиз. У бир иқтисодчи, бир ҳуқуқшунос, бир олимчалик илм тақозо этади. Журналист эса, астойдил истаса, шуни ўзлаштириш иқтидорига эга. Муҳими, чин дилдан ишга киришиш, миллионлар, миллиардлар айланаётган дунёда ўша -- касса олдида турган ва бир сўмни ҳам қадрлайдиган заҳматкашлар манфаатини унутмасликдир.

Ватан манфаати, давлат манфаати, халқ манфаати дегани шу аслида.

**Ғаффор ҲОТАМОВ.**



Республикада жамоатчилик сектори хўжаликларига қарашли жами мевали боғлар 1995 йил якуни ҳисоб-китоби бўйича 156 минг гектар эди. 1996 йилнинг охирига келиб эса 155 минг гектарга тушиб қолди, яъни 1000 гектарга камайди.

Топшириқдаги 3 млн. ўрнига 1 млн. 300 минг туп кўчат экилган. Бу қарийб 3 минг гектарлик янги боғ пайдо бўлди дегани. Лекин, на боғ барпо этилди, на кўчат сақлаб қолинди.

Боғ қиламан деган кишига кўчат муаммо эмас. Шредер номидаги корпорация исталган мева туридан керагича кўчат етказиб бериш салоҳиятига эга ва етказиб бераяпти ҳам. Фақат ҳафсала, иштиёқ керак, холос.



# КЎЧАТ НАСИЯ БЎЛСА МАЙЛИ, БОҒ НАСИЯ БЎЛМАСИН

**Кузги ва кўкламги кўчат экиш мавсуми хўжакўрсинга ўтказилаётгани, аниқ-пухта режанинг йўқлиги, мутасадди раҳбарларнинг масъулиятсизлиги, ўзибўларчилиги оқибатида мевали боғлар, саноатбоп тераксорлар кўпайиш ўрнига камайиб кетмоқда**

Биз ушбу мақолани ёзиш тараддуди асносида Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси бош директори, академик Маҳмуджон ота Мирзаев билан суҳбатлашдик

-- Ҳозир Миср Араб Республикаси, Саудия Арабистони, ҳатто, Америкадек давлат бизга мева кўчатлари сўраб келишяпти. Нега? Чунки, меваларимизда қанд кўп, биоактив моддалар ҳам сероб-да. Японларни айтмайсизми? Оқ шафтолимизга ишқибоз бўлишяпти. Кўчат бермасангиз ҳам, мевасини экспорт қилиб туринглар, дейишяпти...

Кўриниб турибдики, биз боғдорчиликни замон талаблари даражасида кенг ривожлантириш борасида ҳам катта тажриба ва салоҳиятга эгамиз. Жаҳондаги исталган мамлакатга сархил мева ҳамда улардан тайёрланган турфа ноз-неъматларни экспорт қилиш ва шу орқали мустақил Ўзбекистонимиз нуфузини янада ошириш соҳасидаги имкониятларимиз чексиз.

Зеро, Ўзбекистон мустақилликка эришгач, бу соҳага эътибор янада кучайди. Хусусан, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштиришга қаратилган Президент фармонлари ва республика ҳукумати қарорлари ҳам боғбону соҳибкорлар учун янада кенг имкониятлар йўлини очиб берди.

Хўш, бу имкониятлардан тўла фойдалана олаяпмизми? Республикадаги мавжуд боғларнинг бугунги аҳволи қандай? Янгиларини барпо этиш яъни кузги ва кўкламги кўчат экиш, мавсуми кўнгилдагидек бораяптими?

## ЭГАСИЗЛИК

Республикада жамоатчилик сектори хўжаликларига қарашли жами мевали боғлар 1995 йил якуни ҳисоб-китоби бўйича 156 минг гектар эди. 1996 йилнинг охирига келиб эса 155 минг гектарга тушиб қолди, яъни 1000 гектарга камайди. Қизиқ, ҳар йили куз ва кўклам мавсумида миллионлаб кўчат экилса-ю, боғлар кенгайиш ўрнига камайса.

Ваҳоланки, топшириқдаги 3 млн. ўрнига 1 млн. 300 минг туп кўчат экилган. Шунда ҳам қарийб 3 минг гектарлик янги боғ пайдо бўлиши керак эди. Хўш, қани ўша боғ? Ҳай, майли, боғ-ку, йўқ экан, лекин 1 млн. 300 минг туп кўчат қаёққа кетди? Агар шу кўчатларни пулга чақсак-чи? Ўтган йилги мавсумдаги нархларда тахминан 30 млн. сўм бўлади. Қаранг, шунча маблағ сувга уриб кетибди-ю, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, ҳамма хотиржам.

Шунча кўчат экилса-да, боғ кўпаймаётганлиги сабабини мутасадди раҳбарлардан суриштирсангиз, минглаб баҳоналарни қалаштириб ташлашади.

Кейинги пайтларда боғларни ўзбошимчалик билан енг ичида бузиб ташлаш одати пайдо бўлиб қолди. Ваҳоланки, бу масалада Вазирлар Маҳкамасининг тегишли фармойиши бор. Унга кўра бирорта ҳокимликнинг ўзича қарор чиқариб, боғни бузишга ҳаққи йўқ. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси вакиллари бу борадаги акт ҳужжатларига имзо чекканидан сўнггина боғ ҳисобдан чиқарилиши керак.

**ДАЛИЛ:**

**Хоразм вилоятида 300 гектардан зиёд, Фарғона вилоятида 200 гектарга яқин, Қорақалпоғистон Республикасида қарийб 150 гектар, Самарқандда 100 гектардан кўпроқ боғ ҳеч қандай актсиз бузиб ташланди.** Бу рўйхатни давом эттиравериш мумкин. Негаки, текширувларга қараганда, боғ бузмаётган вилоятнинг ўзи йўқ. Ҳали айтганимиздек, важ-карсон тайёр.

Боғларнинг кушандаларидан бири эгасизлик, қаровсизликдир. Ҳозир республика бўйича жами боғлардаги кўчат хатоси ўртача 20 фоизга тўғри келади. Бу ҳар беш туп мевали дарахтнинг биттаси қуриб қолган, деган гапдир. Кўпгина хўжаликларда эса кўчат хатоси 30-35 фоизга етган. Масалан, Арнасой туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалиги боғларини кўздан кечирган мутахассислар шундай хулосага келдилар: «Бу боғлар мутлақо эгасиз, анчадан бери қаралмайди, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бунинг учун шу хўжалик раҳбарларидан бошқа ҳеч кимни айблаб бўлмайди». Тўғри гап. Боғни боқсанг боғ бўлади. Дарахтнинг тагига ётволиб, олма пиш, оғзимга туш, дейдиганларнинг боғи ҳеч қачон кўкармаган, кўкармайди ҳам.

Темурийзода бобомиз Бобур Мирзо «Фарғонанинг боғлари хўп бўлур» дея таъриф берган сўлим водийда ҳам мевасини еб боғини суриштирмайдиган, парваришига қўл уришдан эринадиганлар топилиб турибди. Бир замонлар Риштон қантак ўригининг довруғи бутун дунёга ёйилган эди. Афсуски, сўнгги йилларда чет элларда юрак хасталиги хуружини даволашда ишлатиладиган шифобахш ўрик етиштириладиган боғлар тобора камайиб бораяпти. Борлари ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бўлмаса, «Риштон» жамоа хўжалигидаги 154 гектар боғдан 4 центнердан ҳосил олинармиди? Аҳоли ғоят зич жойлашган бу туманда ернинг умри беҳуда ўтаётганига ким жавоб беради?

> ● 1 млн. 300 минг туп кўчат ёки 3 минг гектар боғ қани?
>
> ● Халқнинг 30 млн. сўм пули ҳавога совурилди-ку.
>
> ● Ўн икки гектар боғдан икки арава мева.
>
> ● Қуртларга ем бўлаётган дарахтлар.
>
> ● Мудроқ раҳбарлар, «сайёҳ» кўчатлар.

1 гектар ер 4 минг сўм атрофида даромад берса, соҳибкорнинг тирикчилиги нима бўлаяпти экан? Вилоят бўйича ҳар гектар ер ўртача 50-60 минг сўм атрофида даромад бераётган бир пайтда Риштондаги мевали боғларнинг аҳволи аянчли эканлигини наҳотки туман раҳбарлари кўришмаётган бўлса?!

Шу тумандаги «Жалаер» жамоа хўжалигида бор-йўғи 12 гектар боғ бор. Ҳисоб-китобларга қараганда шу боғдан 6 тонна, ҳосил олинибди. Бундай ҳисоб-китобга ким ишонади? Тумандаги 2000 гектардан зиёд боғнинг фақат ярмигина мева берипти. Бунинг устига ҳосилдорлик гектар ҳисобига 16 центнердан тўғри келибди.

Вилоятда номигагина боғ барпо қилиб, қолган ишга қор ёғар қабилида иш тутаётган хўжаликлар тобора кўпайиб бораётганлиги ачинарлидир. Ўтган йили Олтиариқ туманидаги «Янгиобод», «Пахтаобод», Охунбобоев туманидаги Охунбобоев номли, Ўзбекистон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжаликларида боғлар ҳосилдорлиги 10-12 центнер атрофида бўлди. Ҳолбуки, шу хўжаликлардаги аҳолининг шахсий боғларида ҳосилдорлик деярли ўн баробар юқори.

Шу ўринда бир аччиқ ҳақиқатни айтиш зарур. Агар республика бўйича боғлардаги кўчатларнинг сийраклашувига йўл қўйилмаганда йилига 150 минг тонна қўшимча мева етиштирилган бўлур эди.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказилган текширув шуни кўрсатдики, 1996 йилда боғлар умуман озиқлантирилмаган. Етарли даражада суғорилмаган. Ҳосил бериб турган боғ нормадаги сувни вақтида ичиб турмаса, мевасини тўкиб юбориши барчага маълум-ку. Шунингдек, ўтган йили ҳашаротларнинг хуружига қарши боғлар бир марта ҳам дориланмади.

Мутахассисларнинг айтишларича, боғларни вақтида озиқлантириб, суғориб, дорилаб бориш ҳисобига ҳосилдорлик агар бир центнерга ошганда ҳам республика бўйича ҳар йили 5 минг тоннадан кўпроқ қўшимча ҳосил олинарди.

## ЭСИЗГИНА ИМТИЁЗ

**ДАЛИЛ:**

**Андижон вилоятида топшириқдаги 140 гектар ўрнига бор-йўғи 4 гектар, Наманганда 180 ўрнига 20 гектар, Тошкент вилоятида 260 гектар ўрнига 40, Навоий вилоятида 85 ўрнига 20 гектарга мевали кўчат экилди. Сирдарё ва Жиззах вилоятларида эса умуман янги боғ барпо этилмади.**

Бунинг сабабларини сўраб, қайси раҳбарга мурожаат қилманг, «кўчат сотиб олиш учун пулимиз йўқ» деган баҳонани рўкач қилади. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамаси ночор хўжаликларнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, пулини кузда тўлаш шарти билан кўчатни насияга харид қилиш учун имкон яратиб берди. Шредер номидаги корпорация ҳам бу шартга рози бўлиб, 1996 йилнинг кўкламги мавсумидан кўчатни қарзга бера бошлади. Шундай қилиб баҳонага ўрин қолмади. Лекин орадан куз, қиш ўтиб, мана баҳор ҳам яримлаяптики, насияга кўчат олиб эккан хўжаликлар ҳанузгача қарзларини тўламаяптилар.

Қаранг, жамоатчилик секторига қарашли хўжаликлар Шредер номидаги корпорациядан ҳамон 20 млн. сўм атрофида қарз эканлар. Бундан оғзи куйган корпорация раҳбарлари бу йил кўкламги экиш мавсумида бошқача йўл тутишди: хўжаликлар аввалги қарзларини тўлаб қўймагунларича, насияга кўчат берилмади. Ахир, уларни ҳам тушуниш керак. Деҳқонча қилиб айтганда, у ҳам катта жамоа, рўзғорини тебратиши, сарф-харажатларини қоплаши, ходимларни маош билан таъминлаши лозим. Лекин...

Республика ҳукумати ночор хўжаликларни яна бир бор қўллаб-қувватлади. Эски қарзларни икки ой муддат ичида тўлаш шарти билан кўчат яна насияга бериладиган бўлди.

Хўш, қарздорлар ва маблағи йўқ хўжаликлар бу яхшиликка қандай жавоб бермоқдалар?

Афсуски, кўпчилик раҳбарлар бундай имтиёзларнинг қадрига етмаяптилар. Акс ҳолда кўкламги кўчат экиш мавсуми айни қизғин паллага кирган бугунги кунда Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Навоий, Тошкент, Фарғона, Хоразм вилоятларида бу ишга ҳали қўл ҳам урилмаганлигини қандай тушунмоқ керак? Қолган вилоятларда ҳам бугунгача экилган кўчат дарёдан томчидек гап. Бундай аҳволда кўчатлар бехато амал оладиган қулай дамлар бой берилиши, ўтган йилги хато ва камчиликларнинг такрорланиши турган гап.

Айрим вилоятларда эҳтиёжга яраша кўчат етиштириш аввалдан пухта режалаштирилмагани, бу борада ўзибўларчиликка йўл қўйилганлиги ҳам экиш мавсумининг чўзилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Маълумки, ҳар бир вилоятда Шредер номидаги корпорациянинг филиаллари бор. Улар вилоят учун керакли миқдордаги кўчатларни етказиб беришга даъват этилган. Аммо уларга аввалдан аниқ буюртма бериш керак. Афтидан, Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида бу зарур иш унутиб қўйилган кўринади. Акс ҳолда қорақалпоғистонлик боғбонлар республиканинг у чеккасидан бу чеккасига, яъни Фарғона вилоятидан кўчат ташиб юришмаган бўлишарди. 40 минг тупдан зиёд кўчат шунча олис масофадан машиналарда олиб келингунча илдизига шамол тегиб, экилганидан сўнг кўп қисми амал олмай, қуриб қолмаслигига ким кафолат бера олади? Хоразмликлар ҳам керакли кўчатнинг бир қисмини Жиззах ва яна бир қисмини Қашқадарё вилоятидан ташиб келтирмоқдалар. Оқибатда бу кўчатларнинг тўла амал олмаслиги устига транспорт, ёнилғи харажатларининг ошиб тушиши кимга зарур, кимга фойда? Эшагидан тушови қиммат деганлари шу эмасми, ахир?

Боғ қиламан деган кишига кўчат муаммо эмас. Шредер номидаги корпорация исталган мева туридан керагича кўчат етказиб бериш салоҳиятига эга ва етказиб бераяпти ҳам. Фақат ҳафсала, иштиёқ керак, холос.

Қанийди, катта йўл ва кўчаларнинг, ариқ-зовурларнинг икки томонида бўш ётган ерларга кўплаб мевали дарахтларни экиб, кўкартирсак.

Хулоса шуки, республикада кўкламги кўчат экиш ишларида палапартишлик, хатолик кўп. Шунингдек, республикада саноат теракчилигини ривожлантириш топшириқларининг ижроси ҳам ўлда-жўлда. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 февралдаги «Саноат теракчилигини ривожлантириш ва бошқа тез ўсувчи ёғочбоп дарахтзорларни барпо этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори Навоий, Хоразм, Тошкент, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида эллик фоизнинг нари-берисида бажарилияпти, холос. Бу ёқда эса Россиядан исталганча қурилишбоп тахта-ёғоч келтиришнинг иложи бўлмаяпти. Бўлганда ҳам нархи осмонга чиқиб кетди.

Бу республика аҳолисини уй-жой билан таъминлаш, якка тартибда уй қурувчиларнинг иморатбоп тахта-ёғочга нисбатан эҳтиёжини қондириш билан боғлиқ долзарб масала бўлгани учун биз мавзуга алоҳида қайтамиз.

**А. ЙЎЛДОШЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**



# КИНО БАЙРАМИ -- БАРЧАМИЗ УЧУН ТЎЙИ

***Республикамиз ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим воқеа -- ўн иккинчи Тошкент халқаро кинофестивали тобора яқинлашмоқда. Мамлакатимиз ижод аҳли, хусусан, кино арбоблари мазкур анжуманга қандай ҳозирлик кўрмоқда? Таниқли режиссёр Шуҳрат Аббосовдан шу ҳақда сўзлаб беришни илтимос қилдик.***

-- Тошкент халқаро кинофестивалига тайёргарлик қизғин паллага кирди. Айтиш керакки, Ўзбекистоннинг барча кинематографчилари бу анжуманни ўзининг тўйи деб билади. Шу сабаб, бу тўйнинг эгалари сифатида уни чиройли ўтказиш, узоқ-яқиндан келувчи меҳмонларни муносиб кутиб олиш тадориги кўрилмоқда.

Бу фестивал фақат киночиларнинг эмас, балки санъатга ташна халқимизнинг катта байрамидир. У одамларимиз маънавий оламини бойитишга, халқларни яқинлаштиришга, кино соҳасидаги янгиликларни ўзлаштиришга, шу билан бирга биздаги ютуқларни намоён этишга хизмат қилади, деб ўйлайман. Чунки анжуман давомида турли учрашувлар, ижодий баҳс ва мунозаралар ўтказилади. Зеро, кино санъати тарғиб қиладиган инсонпарварлик ғоялари барчамиз учун муштаракдир. Қолаверса, хорижлик меҳмонлар юртимизга ташриф буюриб, бу ердаги тинчлик ва барқарорлик, туб иқтисодий ислоҳотлар, муҳими -- маънавият ва маърифат, санъат соҳасига жуда катта эътибор берилаётганлигининг гувоҳи бўлиши айниқса муҳимдир.

Кино -- чегараси йўқ санъат. АҚШ, Ҳиндистон, Хитой фильмларини олинг. Томошабин кино ёрдамида турли халқлар ҳаётининг ҳамма жиҳатларини ҳис эта олади. Чунки умуминсоний туйғулар, оддий инсон ҳаёти, оила ва муҳаббат каби ўлмас мавзулар барча мамлакат киноси учун ҳам хосдир. Табиийки, фестивалда муайян халқнинг жаҳон маданиятига қўшаётган ҳиссаси намоён бўлгани сабаб, ҳар бир давлат ўзининг энг муваффақиятли фильмларини олиб келишга ҳаракат қилади. Шундай бўлгач, ўзбек кинематографчилари ҳам миллий кино санъатимизнинг энг яхши намуналарини кўрсатишлари мақсадга мувофиқдир.

Кинофестивал дастури фақат янги фильмларни намойиш этишдан иборат бўлмаслиги, улуғ санъаткорларимиз, ўзбек киносининг асосчилари ҳисобланган режиссёрлар, операторлар яратган асарлар алоҳида кинотеатрда кўрсатилиши қувонарли ҳол. Албатта, энг биринчи фотограф, оператор ва режиссёр, шўро замони қатағони қурбони Худойберди Девонов ленталари, ўзбек киносининг дарғаларидан бири Наби Ғаниевнинг жаҳон киноси «олтин фонди»га кирган ўлмас фильмлари ўзбек томошабинлари ва меҳмонларга ўзига хос маънавий озуқа беради.

Шуни таъкидлаш керакки, мазкур киноанжуман аввало «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компанияси, биз, ҳамма ижодкорлар учун катта имтиҳон. Агар уни юқори савияда ўтказа олсак, киномиздаги ўзгариш ва янгиланишлар ўз самарасини берди, деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

**ЎзА мухбири Беҳзод УСМОН ёзиб олди.**

## ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

### ҲАРБИЙЛАР УЧРАШИШДИ

***Литва пойтахтида Болтиқбўйи давлатлари мудофаа вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди.***

Унда ушбу давлатлар ҳамкорлигида тинчлик батальони ва ҳарбий-денгиз эскадрасини (балтрон) тузиш, шунингдек, мазкур минтақа ҳаво кенгликларини назорат қилиш масалалари муҳокама этилди.

Шунингдек, учрашувда Болтиқбўйи давлатларининг Шимолий Атлантика ҳарбий блокига кириши юзасидан фикр алмашилди.

### ИККИ КУНЛИК ТАШРИФ

***Франция Президенти Жак Ширак икки кунлик расмий ташриф билан Чехияга келди.***

У мамлакат Президенти Вацлав Гавел, Бош вазир Вацлав Клаус билан учрашиб, икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга доир музокаралар ўтказди. Шунингдек, Жак Ширак мамлакат парламентининг юқори ва қуйи палатаси вакиллари билан учрашади. РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабар беришича, Ж. Ширак ўзининг ушбу ташрифи чоғида Чехия раҳбариятига бу давлатнинг НАТОга қабул қилиниш муддатини маълум қилади.

### МАХСУС СЕССИЯ КЕЛАСИ ҲАФТАДА БЎЛАДИ

***Араб давлатлари лигаси БМТ Бош ассамблеясидан «Қуддус шаҳри масаласи» бўйича махсус сессия чақиришни талаб қилди.***

Бу ҳақда БМТ Бош котибининг вакили Фред Экхард маълум қилди. Маълумки, Исроил ҳукумати БМТ Бош ассамблеясининг Қуддус шаҳридаги яҳудийлар учун турар-жой қурилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарорига амал қилмади.

Фред Экхард БМТ Бош ассамблеясининг махсус сессияси келаси ҳафта бўлиб ўтажагини билдирди.

### БОШ ВАЗИР МУОВИНЛАРИ ТАЙИНЛАНДИ

***Чеченистон Президенти Аслан Масхадов мамлакат Бош вазирининг ўринбосарларини тайинлади.***

Эндиликда Бош вазирга саноат масалалари бўйича Шамил Басаев, давлат сиёсати ва матбуот бўйича Мавлоди Удугов, ижтимоий масалалар бўйича Ислом Ҳалимов кўмак берадилар. Чеченистон Конституциясига мувофиқ, Бош вазир ўринбосари лавозимига ўз номзодини қўйганлар Президентнинг розилигидан сўнг, мамлакат парламенти томонидан тасдиқланиши лозим.

### ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН

***Туркия ҳукумати 500 нафар ҳарбий хизматчисини тинчликни таъминлаш халқаро кучлар таркибида Албанияга жўнатишга қарор қилди.***

Мамлакат Бош вазири Нажмиддин Эрбоқон шу ҳақда маълум қилар экан, Туркия Албанияга нафақат ҳарбий, балки моддий ёрдам кўрсатишга ҳам тайёр эканини билдирди.

1991 йил Туркия Албанияга 15 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ҳамда 3,5 миллион АҚШ доллари ҳажмида электр энергияси етказиб берган. 1992 йилда эса икки давлат ўртасида ўзаро солиқ олмаслик ҳақида битим имзоланган. Туркия билан Албания ўртасида савдо-сотиқ алоқалари ҳам яхши йўлга қўйилган. Масалан, сўнгги олти ой мобайнида ушбу икки давлат ўртасидаги ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 26,3 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

### ҲАРБИЙ МАШҚЛАР БОШЛАНАДИ

***НАТО раҳбарияти 5 апрелдан 21 апрелгача Ўрта ер денгизи ҳамда Гибралтар бўғозида кенг кўламдаги ҳарбий машқлар ўтказишга қарор қилди.***

Ушбу машқларда Испания, Германия, Греция, Италия, Франция ва АҚШ давлатларининг аскар ва зобитларидан ташкил топган 10 минг кишилик ҳарбий қисм, 30 ҳарбий кема, 40 жанговар самолёт ва 60 вертолёт иштирок этади.

Испания Мудофаа вазирлиги вакилининг маълум қилишича, ҳарбий машқларни ўтказишдан мақсад аҳоли турар жойлари мудофааси тизимини янада такомиллаштиришдир.

### МАДИНАИ МУНАВВАРА МАНЗАРАЛАРИ

***Қадимги Ясриб (ҳозирги Мадина) Саудия Арабистонининг гўзал ва муқаддас шаҳарларидан. Бу ерда Ал-Қиблатайн, Ал-Жума, Ал-Мусалли (Ал Ҳамама) каби тарихий бинолар кўпчиликнинг эътиборини тортмай қолмайди.***



Мадинада энг гўзал ва меъморий тузилиши жиҳатдан барчани ҳайратда қолдирувчи Масжидуннабий (пайғамбаримиз масжидлари) ўз маҳобатию салобати билан ажралиб туради. Эски масжиднинг атрофига қурилган янги бино жуда катта майдонни эгаллаган.

Мадина кўриниши ниҳоятда гўзал, атрофларидаги хурмо дарахтзорлари уни янада кўркамлаштиради. 50 квадрат километр майдонни эгаллаган шаҳарда уч юз мингдан ортиқ аҳоли яшайди, булардан маълум қисми ватандошларимиз эканлигини эслатиб ўтамиз. Мадинанинг ёзи иссиқ, қиши эса бир мунча салқиндир. Мадинада Ислом университети ишлаб турибди.

Мадинада ҳам Макка сингари тижорат дўконлари кўп, уларда мева-чевалардан тортиб кийим-кечаклар, видеотехника, телевизорлар, радиоаппаратлар, турли-туман газмолу материаллар, қўйинг-чи, ҳамма нарсани топиш мумкин.

Мадина ислом пайдо бўлган биринчи шаҳар сифатида эъзозланади. Уни йилига бир неча миллион киши зиёрат қилиб қайтади.

*Суратда: Мадинадаги Масжидуннабий ёдгорлигининг кўриниши.*

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

